

**“НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ
З-СОН БАЁНИ**

Йигилиш ўтказилган сана: 2024 йил “28 ” июнь
Баённома тузилган сана: 2024 йил “ 28 ” июнь
Йигилиш ўтказилган вақт: Соат 14:00 дан 16:00 гача
Мажлис ўтказилган жой: Навоий вил., Навоий ш., Навоий кўчаси, 27-йй

Йигилиш раиси

Ж.А. Кўчкоров – Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари, Иқтисодиёт ва молия
вазири, “Навоий кон-металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси

Акциядорлар

“Навоий кон-металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти акциядорлари
(2024 йил 24 июнь ҳолатига тузилган
акциядорлар реестрига асосан)

Таклиф этилганлар:

**“Навоий кон-металлургия комбинати”
акциядорлик жамияти ходимлари:**

Қ.С. Санакулов, А.Ф. Равшанов, Е.А. Антонов,
Қ.Х. Тапаров, М.Р. Хайтова, Ж.Т. Хасанов,
У.Х. Қодиров, Р.Ф. Авезов, С.Н. Муртазаев.

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги
ўринларда – “НКМК” АЖ, Жамият) акциядорларининг йиллик умумий
йигилишига (кейинги ўринларда – Йигилиш) Ўзбекистон Республикаси Бош
вазири ўринбосари, Иқтисодиёт ва молия вазири, “НКМК” АЖ Кузатув
кенгаши раиси – Ж.А. Кўчкоров раислик қилди.

Йигилиш “НКМК” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 7 июнданги
4-сонли мажлиси қарорига асосан ўтказилди.

Қимматли қофозлар марказий депозитарийси томонидан 2024 йил
24 июнь ҳолатига “НКМК” АЖ акциядорлари реестрига мувофик, овоз бериш
хукуқини берувчи акциялар эгалари рўйхати тақдим этилган.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, овоз берувчи
акцияларга эга бўлган 2 та акциядор рўйхатдан ўтди:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – 14 699 835 477 дона оддий акция
ёки 98,0 фоиз.
2. Давлат активларини бошқариш агентлиги – 299 996 642 дона акция
ёки 2,0 фоиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишда умумий овоз берувчи акцияларнинг **100** фоизи катнашганлиги сабабли, кворум мавжуд.

“НКМК” АЖнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони 14 999 832 119 тани, йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони 14 999 832 119 тани ташкил этади.

Кузатув кенгаши раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва акциядорлар томонидан кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. “НКМК” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши раиси ва котибини сайлаш.**
- 2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти, саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 3. Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.**
- 4. 2023 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириши натижалари юзасидан аудиторлик холосасини эшитиш.**
- 5. 2023 йил учун йиллик молиявий ҳисоботини кўриб чиқиши ва эмитентнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.**
- 6. 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш.**
- 7. Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.**
- 8. Уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш.**
- 9. Ташкилий тузилманинг янги таҳририни тасдиқлаш.**
- 10. Бошқарув раиси – Бош директор билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши муддатини узайтириш.**
- 11. Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарувнинг қолган аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш.**
- 12. Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига асосан “НКМК” АЖнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўtkazган ҳолда жойлаштириши юзасидан ишларни ташкил этиши бўйича қарор қабул қилиш.**

13. Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиши мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва корпоратив хужжатларини тасдиқлаш.

1. Йигилиш раиси ва котибини сайлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 58-моддасига мувофиқ, йигилиш раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Баш вазири ўринбосари, Иқтисодиёт ва молия вазири, “НКМК” АЖ Кузатув кенгаши раиси – Ж.А. Кўчкоров ҳамда йигилиш баёнини юритиш учун йигилиш котиби этиб, “НКМК” АЖ Корпоратив маслаҳатчиси в.б. – С.Н. Муртазаев номзодини сайлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича овозга қўйилган қарор:

Йигилиш раиси этиб Ж.А. Кўчкоров ва котиби этиб С.Н. Муртазаев сайлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йигилиш қарор килади:

Йигилиш раиси этиб Ж.А. Кўчкоров ва котиби этиб С.Н. Муртазаев сайлансин.

2. Йигилиш регламенти, саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йигилиш регламенти куйидаги тартибда белгиланиши йигилиш иштирокчиларига таклиф этилди:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маъruzalар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.

Шунингдек, Йигилиш Саноқ комиссияси 3 нафардан иборат бўлиб, куйидаги таркибда сайлаб олиш таклиф этилади:

- Давронов Элшодбек Маҳмуд ўғли – саноқ комиссияси раиси;
- Иткина Диана Маратовна – саноқ комиссияси аъзоси;
- Камалбаев Соҳиб Сапармуратович – саноқ комиссияси аъзоси.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича овозга қўйилган қарор:

1. Йигилиш регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- мажлис кун тартиби бўйича асосий маъruzalар – 15 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
- ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.

2. Йигилиш Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Давронов Элшодбек Маҳмуд ўғли – саноқ комиссияси раиси;

- Иткина Диана Маратовна – саноқ комиссияси аъзоси;
- Камалбаев Сохиб Сапармуратович – саноқ комиссияси аъзоси.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан мухокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

- 1. Йигитлии регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансан:**
 - мажлис кун тартиби бўйича асосий маърузалар – 15 дақиқагача;
 - ҳар бир масала бўйича саволлар ва баҳслар – 10 дақиқагача;
 - ҳар бир саволдан кейин мунозараларда нутқ сўзлаш – 5 дақиқагача.
- 2. Йигитлии Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансан:**
 - Давронов Элшодбек Махмуд ўғли – саноқ комиссияси раиси;
 - Иткина Диана Маратовна – саноқ комиссияси аъзоси;
 - Камалбаев Сохиб Сапармуратович – саноқ комиссияси аъзоси.

3. Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан, Йиғилиш раиси Ж.А. Кўчкоров сўзга чиқиб, 2023 йил давомида Кузатув кенгashi томонидан 5 та мажлис ўтказилганлиги ҳамда уларда Жамият фаолиятидаги мухим стратегик аҳамиятга эга 33 та масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлигини таъкидлаб, кун тартибидаги масалани овозга қўйишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қарор овозга қўйилди:

Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботи 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала мухокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қилади:

Кузатув кенгашининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботи 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2023 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик хуносасини эшитиш.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан, Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари, Бошқарув аъзоси Ж.Т. Хасанов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ҳамда

“Бухгалтерия ҳисоботи миллий стандартлари”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “TRI – S – AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий аудиторлик хulosалари тақдим этилганлигини маълум килиб, кун тартибидаги масалани овозга кўйишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қарор овозга кўйилди:

4.1. “НКМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “МХХС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хulosса берилганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

4.2. “НКМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “БХМС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “TRI – S – AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хulosса берилганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қиласди:

4.1. “НКМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “МХХС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “Deloitte & Touche” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хulosса берилганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

4.2. “НКМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “БХМС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботига “TRI – S – AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий хulosса берилганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

5. 2023 йил учун йиллик молиявий ҳисоботини кўриб чиқиши ва эмитентнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан, Бош директорининг иқтисод ва молия бўйича ўринbosари, Бошқарув аъзоси Ж.Т. Хасанов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича “МХХС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлари, “БХМС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлари ҳамда эмитентнинг йиллик ҳисоботи билан Йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди ҳамда кун тартибидаги масала овозга кўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қарор овозга кўйилди:

“НКМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “МХХС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлари 2-илова, “БХМС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботлари 3-илова ҳамда эмитентнинг йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Карши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала мұхокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қатнашчилари қарор қиласди:

“НҚМК” АЖнинг 2023 йил якунлари бўйича “МХХС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи 2-илова, “БҲМС”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи 3-илова ҳамда эмитентнинг йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан, Йиғилиш раиси Ж.А. Кўчкоров сўзга чиқиб, Кузатув кенгашига сайланадиган номзодлар тўғрисида маълумот берди ҳамда Йиғилиш иштирокчилари томонидан номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишиб чиқилгач, кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қўйидаги қарор овозга қўйилди:

“НҚМК” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Карши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала мұхокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қиласди:

“НҚМК” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

8. “НҚМК” АЖ Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан, Бош юрисконсульт М.Р. Хайтова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 марта “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-49-сон Фармони ҳамда 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон Қарори талабларидан келиб чиқиб, Жамият Уставининг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қуидаги қарор овозга қўйилди:

8.1. “НҚМК” АЖ Уставининг янги таҳрири б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8.2. “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санакулов “НҚМК” АЖ Уставининг янги таҳририни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала мухокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига қўра, Йигилиш қарор қиласди:

8.1. “НҚМК” АЖ Уставининг янги таҳрири б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8.2. “НҚМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санакулов “НҚМК” АЖ Уставининг янги таҳририни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Ташкилий тузилманинг янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринbosари Қ.Х. Тапаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон Қарорига мувофиқ Жамият ташкилий тузилмасининг янги таҳрири ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, кун тартибидаги масалани овозга қўйишни таклиф қилди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қуидаги қарор овозга қўйилди:

“НҚМК” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала мухокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига қўра, Йигилиш қарор қиласди:

“НҚМК” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Бош директор билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши муддатини узайтириш.

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Ж.А. Кўчқоров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 79-моддасига мувофиқ Жамият ижроия органи билан уч йил муддатга тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки муддатидан илгари бекор қилиш масаласи ҳар йили кўриб чиқилиши белгиланганлигини маълум қилди.

Шунга кўра, Бошқарув раиси – Бош директор К.С. Санакулов билан 2022 йилда уч йил муддатга тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини бир йилга узайтириш масаласини овозга қўйишни таклиф килди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Санакулов Кувондиқ Санакулович билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати бир йилга узайтирилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қиласди:

“НКМК” АЖ Бошқарув раиси – Бош директор Санакулов Кувондиқ Санакулович билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиши муддати бир йилга узайтирилсин.

11. Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарувнинг қолган аъзоларига тўланадиган ҳақ ва үларнинг энг юқори микдорларини белгилаш.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Ж.А. Кўчқоров сўзга чиқиб, ушбу масала Жамият Уставининг 13.6-банди (14)-кичик бандига асосан, Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, маъкуллангандан сўнг Акциядорлар умумий йиғилишининг кейинги мажлисига киритилиши мақсадга мувофиқлигини маълум қилди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

Кун тартибидаги ушбу масала “НКМК” АЖ кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, маъкуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, Йиғилиш қарор қиласди:

Кун тартибидаги уибу масала “НКМК” АЖ кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, маъкуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 19 апрелдаги ПК-163-сон қарорига асосан “НКМК” АЖнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўтказган холда жойлаштириш юзасидан ишларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиш.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан, Бош директорнинг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари Е.А. Антонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация килиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон Қарорига мувофиқ “НКМК” АЖнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўtkazgan ҳолда жойлаштириш белгиланганлигини таъкидлади. Ушбу масала Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиб, “Жамиятнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўtkazgan ҳолда жойлаштириш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йигилишига киритилишини маълум қилди.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича қарор овозга қўйилди:

Кузатув кенгаши томонидан “НКМК” АЖнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўtkazgan ҳолда жойлаштиришни ташкиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ва ушбу ҳақидаги қарор лойиҳаси Акциядорларнинг умумий йигилишига киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, йигилиш қарор қиласи:

Кузатув кенгаши томонидан “НКМК” АЖнинг 5 (беш) фоизгача бўлган акцияларини Халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифи ўtkazgan ҳолда жойлаштиришни ташкиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ва ушбу ҳақидаги қарор лойиҳаси Акциядорларнинг умумий йигилишига киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан Бош юрисконсульт М.Р. Хайтова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон Қарорининг 8-бандига мувофиқ 2024 йил 1 июлдан корпоратив бошқарувнинг янгилangan қоидалари ва ахлок кодексини жорий этиш белгиланганлигини маълум қилди.

Шунга мувофиқ, Жамият томонидан ўзининг корпоратив хужжатларининг янги таҳрирлари ишлаб чиқилганлигини билдириб, Кузатув кенгаши томонидан келишилган Акциядорларнинг умумий йигилиши ваколати доирасидаги низомларни тасдиқлаб беришни сўради.

Йигилиш иштирокчилари томонидан Жамиятнинг янги таҳрирда ишлаб чиқилган корпоратив хужжатлари лойиҳалари кўриб чиқилиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича қўйидаги қарор овозга қўйилди:

13.1. “НКМК” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 20 майдаги 179-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига риоя этиш мажбурияти қабул қилинсин.

13.2. “НКМК” АЖнинг қўйидаги низомлари тасдиқлансин:

- “Акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисида”ги Низом 8-иловага мувофиқ;

- “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом 9-иловага мувофиқ;

- “Бошқарув тўғрисида”ги Низом 10-иловага мувофиқ.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 100%; “Қарши” – Йўқ; “Бетараф” – Йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала муҳокамасидан келиб чиқиб, овоз бериш натижаларига кўра, йигилиш қарор қиласди:

13.1. “НКМК” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 20 майдаги 179-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” тавсияларига риоя этиши мажбурияти қабул қилинсин.

13.2. “НКМК” АЖнинг қўйидаги низомлари тасдиқлансин:

- “Акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисида”ги Низом 8-иловага мувофиқ;

- “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом 9-иловага мувофиқ;

- “Бошқарув тўғрисида”ги Низом 10-иловага мувофиқ.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилди.

Умумий йигилиш раиси Ж.А. Кўчкоров томонидан иштирокчиларга миннатдорчилик билдирилиб, умумий йигилиш ёпик деб эълон қилинди.

Мазкур баённома 2024 йил 28 июнда имзоланди.

Умумий тифилиш раиси



Ж.А. Күчкоров

Умумий тифилиш котиби



С.Н. Муртазаев